

Кириш (Салафийлик 1)

05:00 / 13.03.2017 3077

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Муқаддима олдидан кириш сўзи

Ушбу китоб салафийларнинг раъйлари ва уларни машҳур қилган мафкуралари хусусидаги бирор мунозарани ўз ичига олмаган. Шунингдек, уларни тўғри санаш ёки хатога чиқазиш мазмунида ҳам эмас. Балки мазкур китоб буларданда муҳимроқ бўлган нарсаларни ўз ичига олган.

Салафи солиҳлар асри бошиданоқ ягона исломий жамоат ҳалқаси “аҳли сунна вал жамоа” деб номланади. Бу китоб эса, ўша ягона исломий жамоат ҳалқаси марказидан янги исломий жамоатнинг янги ҳалқасини тўқиб пайдо қилиш ҳукми хусусидаги саволларни жунбушга келтиради.

Хўш, мазкур янги жамоат ўзининг янги ҳалқасини пайдо қилишининг ҳукми нимадир? Унинг бугунги исломий воқеълик борасидаги ҳамда исломий даъват хусусидаги таъсирлари қандай?

Биз ўзимиз учун салафи солиҳлар асрини йўл(имизни) ёритгувчи машъала қилиб оладиган бўлсак, у ҳолда, бу ўринда мазкур янги исломий мазҳаб ўзи учун бу лақабни “ихтироъ” қилиб олишини мумкин дея оламизми? Айни пайтда у ўзи жар солаётган нарсани ҳақ, бошқалар юраётган йўлни эса ботил, деб билади.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Аллоҳга, неъматларига муносиб, унинг зиёдасига кифоя қиладиган, ҳамдлар бўлсин!

Эй Роббимиз, важҳингнинг улуғлиги ва салтанатинг буюклигига муносиб ҳамдлар Сенга бўлсин!

Сен (ҳар қандай айбу нуқсонлардан) поксан. Аллоҳим, Сен ўз (шаън)ингга ўзинг санолар айтганингдек, мен Сенга (муносиб) бўлган саноларни ҳисоблаб тугатолмайман.

Аллоҳим, бизга биз учун манфаатли бўладиган нарсаларни билдиргин. Билдирган нарсаларинг ила бизни манфаатлантир ва илм(имизни) зиёда

қилгил. Бизни (сироти мустақийм ёқасидаги) ҳалокат тойиб кетиш
ўринларидан сақлагин. Бизларни Ўзингнинг улуғ розилигинг учун бўлган
ихлос ила ризқлантир.

Эй, сўралганларинг энг саҳоватлиси бўлган Зот. Эй, марҳамат
кўрсатгувчиларнинг энг марҳаматлиси бўлган Зот.